

4-Илова: Жинсий (интим) шериклари ёки бошқа оила аъзолари томонидан зўравонликка учраган хотин-қизлар учун шахсий хавфсизлик режаси (шаблон)

Гендер зўравонлик жабрланувчисининг шахсий хавфсизлик режаси

(зўравонлик содир этилган ёки такрорий зўравонлик хавфи мавжуд бўлган жойга/муҳитга қайтиш зарурати туғилганида гендер зўравонлик жабрланувчиси билан биргаликда ишлаб чиқилади)

Жабрланувчи		Хизматларни тақдим этувчи (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи/тиббий ижтимоий психологик) фамилияси, исми, лавозими	
Сана		Қайта баҳолаш (саналар)	

- Агар менинг шахсий хавфсизлигим ёки менинг фарзандларим хавфсизлигига таҳдид туғилса, мен _____га ёки _____га мурожаат қилишим мумкин (жабрланувчи зўравонлик такрорланишини қутмаган тақдирда ҳам ўз қарорини кўрсатиши керак).
- Қариндошларим, яқинларим ёки дўстларимдан кимга ишонишим мумкин ва фавқулодда вазият ҳолати юзага келганида фарзандларим билан кимникида бир неча кун хотиржам яшашим мумкин?
- Зўравонлик ёки таҳдидли вазиятда мен: _____дан (масалан, қайси эшиклар, дераза, лифт, зинапоялар ёки аварияда чиқиш жойлари) хавфсиз чиқиш учун фойдаланишим мумкин.
- Агар менга нисбатан тазйиқ ёки зўравонлик муқаррар бўлса, мен буни осон тарк этиш имкони бўлган хонада ёки бинода қарши олишга ҳаракат қиламан. Мен қурол ишлатилишига қулай бўлиши мумкин бўлган жойдан қочишга ҳаракат қиламан.
- Мен ўзимга нисбатан зўравонлик содир этилиши мумкинлиги тўғрисида қуйидаги шахсларни огоҳлантириб қўйишим ва хонадонимда шубҳали шовқин-сурон эшитилса, ИИБга хабар беришларини сўрашим мумкин: _____.
- Мен фарзандларим ёки дўстларимдан қийин вазиятга тушиб қолганимда менга ёрдам сўрашлари учун махфий ишора сифатида (масалан, белги, сўз) _____дан фойдаланишим мумкин.
- Агар зўравонликни содир этган шахс бошқа мен билан яшамаётган бўлса, мен уйимда ўз хавфсизлигимни таъминлаш чораларини кўришим мумкин (қулф-калит, сигнализация ва бошқалар). _____.
- Мен хавфсизлик сумкасини сақлашим мумкин (уйда/дўстимнинг уйида): _____.
- Хавф туғилганда уйдан тезда чиқиб кетишим учун менга қуйидагилар керак бўлади (хавфсизлик сумкасининг таркиби):
 - пул / нақд пул;
 - уй ва автомобилнинг қўшимча калитлари;
 - қўшимча кийим-кечаклар;
 - шахсий гигиена воситалари;
 - мобиль телефон, муҳим телефон рақамлари, телефон карталари;
 - тиббий маълумотномалар;
 - керакли ҳужжатлар (паспорт/шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат, тиббий карта ва маълумотномалар, фарзандларнинг ҳужжатлари ва бошқалар);
 - болаларимнинг севимли ўйинчоқлари;
 - бошқалар _____.

Хизмат тақдим этувчи менга қуйидагиларни маълум қилди:

- Мен зўравонликни содир этган шахсни тажовузкор хатти-ҳаракатига жавобгар эмасман, лекин ўзим ва болаларимнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўра оламан.
- Мен бундан яхшироғига муносибман: мен ва менинг фарзандларим осойишта ва хавфсиз ҳаёт кечиришга ҳақлимиз.
- Зўравонлик жиноят ҳисобланади, мен бу ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат қилишим мумкин.
- Вақтинчалик ҳимоя ордерларни олиш тартиби мавжуд, мен уни қандай олишни биламан.
- Мен ёрдам олишим мумкин бўлган жойлар бор: _____.

Хизмат тақдим этувчи менга қуйидаги ёрдам кўрсатувчи муассасалар билан муаммони ҳал этиш бўйича ҳамкорликда иш олиб боришни давом эттириш таклифини берди, мен рози бўлдим:

_____ (имзо).